Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИИЛ ЧИҚИШИ

№ 42 (3524).

28 февраль СЕШАНБА 1967 ИИЛ

Баҳоси 2 тийин.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Қурилиш — монтаж ташкилотлари, «Узсельхозтехника» район бирлашмалари, мотор ремонт заводлари, автотранспорт корхоналари, дойнҳалаш — қидирув институтлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бир қанча илғор коллективлари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини ҳамда қурилиш-монтаж ва ремонт ишлари таннархини пасайтириш юзасидан 1966 йил IV квартал планларини, шунингдек объектларни фойдаланишга топшириш планини муваффақиятли бажаришни таъминладилар.

Мусобақа якунларига кўра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи «Голодностепстрой»га қарашли «Янгиерводстрой» трестининг 6-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи қўлида қолдирилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари советининг Кўчма Қизил Байроқлари «Узсельхозтехника» Бўка район бирлашмаси, Наманган тегирмон комбинати, «Голодностепстрой»нинг йўлқурилиш бошқармаси, «Самарқандводстрой» трестига қарашли Самарқанд қурилиш-монтаж бошқармаси коллективларига берилди.

(ЎзТАГ).

ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР СОВҒАСИ

ЭЛНИНГ МЕҲРИ ДИЛИДА

Қиш эмасми, тунлар узоқ, тонг ёришишига ҳали анча бор. Ойниса онаси Сора опани уйготиб юбормаслик учун шарпасиз кийинди. Эшикни аста ёпиб, ташқари чиқди. Электр чироқлари кўчани ёритиб турарди. Аҳён-аҳёнда хўрозларнинг қичқириғи «тонг отди, ҳаёт бошланди, одамлар» деган даракни берарди. Ойниса жадал юришга одатланган, эгни-боши ҳам ўзига ўхшаш нихчам. Сирма қора бахмал чопони, томоғидан тангиб олган зангори ранг рўмоли ўзига ярашган. Оёқда хипча этик.

«Далага етгунимча тонг ёришади, ўйлаб борарди Ойниса. У мактаб ичкарисига кириб, аввал синф хоналарини ситди, кейин тозалаб чиқди. Бу ишларни тугатиб дала томон йўл олганида тонг ёришган эди. Ойнса уй томондан эмас, мактабдан келаётганини кўрганлар: «нега бу ёқдан?» деб сўрашарди. «Онамнинг тоби йўқ, мактабда ишлайдилар-ку, бугун ўрниларига...» деб жавоб қиларди. Йўловчилардан бири ажаблангандай:

— Қизиқ, бригадир бўлатуриб, мактаб супуриб юрганинг-га ҳайронман, — деб қолди.

Бу гапдан Ойниса бироз ранжиса ҳам суҳбатдошига эътироз билдирмади, фақат: «онам хоҳишини қайтаролмаймаи, у мактабга боғланган, болаларга совуқ бўлмасин, озода хонада ўқишсин» деб куюнади, ишламанг десак ҳам кўнмайди, буни сизга қандай тушунтирай, деган фикрни дилидан ўтказди. У йўл-йўлакай яна меҳрибон онаси ҳақида ўйларди. «Онагинам, бизни ёшликдан меҳнатга ўргатган, ўзингизга ўхшаб меҳнатсиз туролмайдиган қилиб тарбиялаган ўзингизсиз, «меҳнатнинг яхши-ёмони, катта кичиги бўлмайди, пастроқ иш деб ор қилма» дердингиз, тўғри экан, мана тер тўкиб меҳнат қилиб кам бўлаётганимиз йўқ...

Тонгги майин шабада Ойнисанинг дилини яна ҳам равшан қилар, ўйларини узоқ-узоқларга етакларди. Мана унинг бригадаси. Рухсора билан Бумайрам ҳам етиб келишибди, бирин-кетин келаётганлар зовур тепасига ўтишди, кеча мўлжалланган жойдан иш бошланди. Ойнисанинг кўзи пишиб қолган, чамалаб ҳисобласа ҳам тўғри чиқади. Гектар бошига 250—300 килограммдан маҳаллий ўғит солиш эди мўлжал.

Қоп қорайганда Ойниса қадрдон даласига яна бир бор меҳр билан боқди-ю, кейин уйи томон йўл олди. Бугунги ишдан ҳам мамнун эди. Ахир, бу юбилей йили заминин-ку, ҳозир қанчалик пухта тайёрлик кўрса, ийиб кетган саҳий ер кузда уни мамнун қилади. Бу орзу Ойнисани бир нафас ҳоли қўймайди.

Мана, Саҳобат билан Шапоат ҳам механизаторлар курсини Ойниса билан бирга битирган. Лекин улар касбни ўрганишга ўрганишди-ю, ишлашга келганда бироз юрак дов бермади. Колхоз правленнеси уларга ишониб бутун бир звеснони топшириб қўйди, шароит яратиб берди. Афсуски, қизлар меҳр қўйиб, қунт билан ишлашмади.

ХАЛҚ ҲОМЗОДЛАРИ

Бригадир далага чиқарилган ўғитга разм солиб, кўнгли тўлмади. Кўпчиликка ўзи бош бўлиб, яна ўғит ташишга кириб кетди. Ҳа, бригаданинг бирорта аъзоси унинг сўзини инкор қилмайди. «Ёш бўлса ҳам бош, шу бригадамизга ўтди-ю, хирмонга барака кирди, даромад ҳам чакки эмас» дейдиган бўлишди. Лекин бир сўзли, айтганини бажартирмагунча қўймаслигига ҳам тушуниб қолишди.

Тушгача талай иш битди, зовурларнинг анча қисми тозаланди, гўнг ҳам етарли ташиб қўйилди. Тушликдан кейин пайкал четига келтирилган маҳаллий ўғит тепасига тупроқ ташланди, гўнг чириб туради.

Дугоналарининг бу қилмишидан Ойниса қаттиқ изза тортди. «Хотин-қиз шу-да, минг қилганда заиф» дейдиганлар ҳам бўлди. Шунда Ойнисанинг дилида «ундай эмас, аёллар заиф эмас, кучли, ҳар қанча машаққат, қийинчиликларни енгишга қодир» деган ҳис туғён урганди. Сўнг Ойниса меҳнат камарини маҳкам боғлаб даласига шиддат билан келганди. Ўша воқеага уч йил бўлди. Ойниса дастлаб оддий механизатор бўлиб ишлади, машинада пахта терди, йигитлардан қолишмасликка тиришди. Ундаги ҳаракат, ғайратни кўрган колхоз раҳбарлари Ойнисани бригадага бош қилиб тайинлашди. 90 гектар ер ажратиб беришди. Аввалги йилларни айтмай қўяқолайлик. Ҳосилдорлик йил сайин ошиб борди. 1966 йили ҳар гектар майдондан 27,2 центнердан пахта олинди. Ҳосилнинг деярлик ҳаммаси машинада териб олинди. План тўлиқ, юз ёруғ. Шунга қараб даромад ҳам ошди-да. Энди катталар Ойнисани бригадир қизим, синғил деб ҳурмат қилишади, тенгдошлари унга ҳавас қилишади. Биргина бригада эмас, бутун колхоз, район аҳолиси уни танийди, ахир Ойниса область Советининг депутати сифатида ҳам озмунча иш қилдими. Мактаб, болалар боқчаси очишми, йўл қурилишими, қайси соҳадан наказ олса у жон-дили билан киришади. Ойниса уйга қайтганда, онаси қизини ҳурсанд қарши олди.

— Ўзим борардим, менга айтмай борибсан мактабга.

— Ойижон, бир кун сиз учун ҳам ишласам нима бўлибди, ёдон тузалинг дедим-да, — жавоб қилди Ойнинса.

— Сени эртага ёнғинга чақириб кетишди, сайловчилар билан учрашар экансан, яна депутат қилиб сайлашмоқчиларми, қизим? — она бу саволни бериб, қизига меҳр тўла кўзларини тикди: «онагинанг ўргилсин қизим, майли элга нафинг тегсин, кўпга хизмат қил, шунинг ўзи катта бахт», Ойнинса онанинг тийраи кўзларидан ана шу сўзларни ўқирди. Эртасига Оққўрғондаги 135-сайлов округининг сайловчилари область Советига номзод — «Партия XXII съезди» колхозининг бригада бошлиғи Ойниса Жайлова билан учрашдилар.

Ф. УСМОНОВА.

МАНА 9 ойдирки Ленинграддан келган бинокорлар Ўзбекистон пойтахтида кўп қаватли турар-жой бинолари қуришаяпти. Мамлакатимиздаги йирик қурилиш ташкилотларидан бири ҳисобланган Ленин орденли «Главленинградстрой» бинокорлари қатор кўп хонали уйларни тезроқ қўлдан чиқариш учун астойдил меҳнат қиляптилар. Мактаб, болалар муассасалари ва бошқа маданий-маиший бинолар қурилиши ҳам авж олдириб юборилган.

Куни кеча Чилонзорда ленинградликлар юз хонали уйни батамом қўлдан чиқардилар. Шу уйнинг ёнида қурилаётган яна эллик ва юз хоналик уйларга ҳам тез орада тошкентликлар кўчиб киришади. Ундан ташқари минг ўқувчига мўлжалланган мактаб ҳам битказилиб фойдаланишга топширилади.

Буларнинг ҳаммаси ленинградлик бинокорларнинг юбилей йилида тошкентликларга қилган дастлабки тортиқларидир. Ҳозирги вақтда улар Октябрь вахтасида туриб меҳнат қилишаяпти.

Суратларда: 1. «Главленинградстрой» қурувчиларининг дастлабки тортиғи — юз хонали турар-жой биноси.

2. Ўртоқ Ф. Еропин (ўнгдан биринчи) бош бўлган бир группа пардозловчилар яқиндагина яна бир турар-жой биносини қўлдан чиқардилар.

М. Нуриддинов фотоси.

КЎЧАТ ЭК, БОҒ ҚИЛ!

ОТАХОННИНГ ЧАҚИРИҒИГА ҚУШИЛАМИЗ

Республикамиз соҳибкорларининг отахони бўлган Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг Улуғ Октябрь 50 йиллиги шарафига бошлаган ажойиб ватанпарварлик ташаббуси, қалбларни тўлқинлантирувчи жанговар чақириғи кўплар қатори бизнинг совхозимиз соҳибкорлари ва боғбонларини ҳам беҳад руҳлантириб юборди. Ризамат отанинг айниқса мана бу гаплари қалбимиздан чуқур ўрин олди: «Совет Ўзбекистонининг кексаю-ёш гражданлари, сизларга мурожаат этаман: халқимизда эл пуфласа — бўрон кўтарилади, деган нақл бор. Келинглар, кўплашиб она диёримизни боғ республикасига айлантирайлик! Ҳар ким бир жуфтдан кўчат ўтқазса ҳам неча минг гектарлаб боғ бўлади».

Бизнинг совхозимиз — боғдорчилик-узумчилик хўжалигидир. Меҳнаткашларимиз эл дастурхонини мева-чевалар билан тўкин қилишдек катта ва шарафли ишга йил сайин муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Беш йилликнинг биринчи йилида элимизга давлат планидаги 25 минг 500 центнер ўрнига 40 минг центнер узум етказиб бериб, бу соҳадаги йиллик топшириқни 160 процент адо этдик. Боғбонларимиз мева сотиш планини 141,5 процент қилиб бажардилар. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида эришган ютуқларимиз ҳам қувончли бўлди. Совхозимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлдилар.

Хўжалигимизда уста боғбонлар кўп. Ўртоқ Абдулхай Усмонов бошлиқ бригада соҳибкорлари бултур ҳар гектар ердаги токзордан 150 центнердан узум олишди. Ғулом Соҳибов бошлиқ бригада аъзолари кўтарган хирмон ҳам бундан қолишмади. Шу каби илғор бригадаларимизнинг соҳибкорлари Ризамат ота чақириғига жавобан бу йил узум ҳосилдорлигини 170—180 центнерга етказишга аҳд қилдилар. Умуман совхозимиз бўйича ҳосилдорликни ошириш билан бир қаторда бу йил янги боғ-роғлар барпо этишга ҳам катта эътибор берамиз.

Ғ. АЪЗАМХЎЖАЕВ,
Юқори Чирчиқ районидаги «Паркент» боғдорчилик-узумчилик совхозининг директори.

КЎЧАТ ТЎЛА БЎЛАДИ

Давлат мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони машҳур соҳибкор Ризамат ота Мусамуҳаммедовнинг «Кўчат эк, боғ қил» деган чақириғи бизни ниҳоятда хурсанд қилди. Боғдорчилик ишига берилган юксак баҳо, биз соҳибкорларнинг ишини улуғлашдир.

Биз ҳам она диёримизни боғ ўлкасига айлантириш йўлида тинмай меҳнат қиляпмиз. 1960 йилда колхозимиздаги боғ 30 гектарга етар-етмас эди. Ҳозир 116 гектар олмазор, мевазор боғ, 12 гектар узумзор, 2 гектар анор ва анжирзор боғимиз бор. 1961 йилда ташкил этилган мана шу боғлар энди ҳосилга кириб колхозимизга дастлабки даромадни бера бошлади. Биз соҳибкорлар бу боғлардаги мевали дарахтларни авайлаб парвариш қилмоқдамиз. Айни кунларда қуриган, синган дарахтлар ўрнига янги ниҳоллар ўтказиб боғни тўлдириш, дарахтларни агрономия қоидаларига мувофиқ кесиш, беҳуда новдаларни олиб ташлаб яхши шаклга киргизиш каби тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Боғларда гектарнинг тўлиқ бўлиши учун астойдил курашамиз

Сандазим ХЎЖАЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз боғ бригадасининг бошлиғи.

ЛЕКТОРЛАР СЕМИНАРИ

Тошкент область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими «Билим» жамиятининг область ташкилоти президиуми билан ҳамкорликда лекторларнинг беш кунлик семинарини ўтказди. Семинарда партия комитетлари, «Билим» жамияти шаҳар ва район ташкилотларининг 200 дан ортиқ лектори қатнашди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва халқаро аҳволга доир 15 та лекция тингланди. Семинар қатнашчилари тарих фанлари доктори Б. В. Лунининг «В. И. Ленин ва Ўрта Осиё халқлари», тарих фанлари доктори В. Я. Непомнининг «Социалистик революция арафасида империализм тўғрисидаги ленинча таълимот ва ҳозирги замон революцион жараёни», Н. С. Злобининг «Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва миллий озодлик ҳаракати» каби лекцияларини зўр қизиқиш билан тингладилар.

Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари У. А. Рустамов, чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти президиумининг раиси Х. С. Шукурова, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бўлим мудири Р. Шонеъматов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат Хавфсизлиги Комитетининг раиси С. М. Кисилев ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитети лекторларининг чиқишлари ҳам тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Тошкент театр-рассомчилик институтининг доценти Л. А. Хўжаева лекторларга «Лектор нутқида ифода воситалари» тўғрисида гапириб берди.

Семинар қатнашчилари чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятига бориб, у ердаги ишлар билан танишдилар. Семинар давомида намойиш қилинган қисқа метражли хроникал-ҳужжатли фильмлар ҳам лекторлар учун кўпгина фойдали маълумотларни берди.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Тошкентда 38-Волгоград сайлов округининг сайловчилари республика Олий Совети депутатлигига номзод, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Иван Витальевич Марцинюк билан учрашувлари бўлиб ўтди. 22-Марказий округ сайловчилари республика Олий Совети депутатлигига номзод, Киров район партия комитетининг биринчи секретари Шоира Аҳмадалиева билан учрашдилар. 40-Қатортол сайлов округида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод Гавҳар Қодировна Ҳайдарова билан учрашишга бағишланган сайлов олди йиғилиши бўлди.

80-Янгибозор округининг юзлаб сайловчилари депутатликка кўрсатилган номзод — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Сарвар Азимов билан учрашдилар.

(ЎзТАГ).

* * *

Пойтахтимиздаги мактабгача тарбия билим юртининг серҳашам мажлислар зали куни-кеча сайловчилар билан тўлди. Бу ерга партия, жамоат ташкилотларининг вакиллари, билим юртининг ўқитувчилари ва студентлари республика Олий Совети депутатлигига номзод — Ўзбекистон ССР Олий ва Ўрта таълим министри, академик Ўртоқ Т. А. Саримсоқов билан учрашиш мақсадида йиғилишган эди.

Учрашувда ишончли вакил, Тошкент халқ хўжалиги институтининг доценти Ўртоқ Ортиқов депутатликка номзоднинг ҳаёт фаолияти ҳақида сайловчиларга гапириб берди. Шундан кейин сўзга чиққан сайловчилар Халқ ишончига сазовор бўлган бу номзодга қатор наказлар топшириши ва йиғилиш қатнашчиларини 12 март — сайловлар куни депутатликка номзод Т. А. Саримсоқов учун яқдиллик билан овоз беришга чақирди.

Учрашув охирида сўзга чиққан академик Т. А. Саримсоқов ўзига билдирилган юксак ишончлари учун сайловчиларга ташаккур билдирди ва уларнинг ишончларини оқлаш учун бутун куч-қувватини аямаслигини айтди.

Шундан сўнг сайловчиларга билим юртининг ўқувчилари томонидан тайёрланган катта концерт қўйиб берилди.

Т. ҚОДИРОВ.

ҚИБРАНДАГИ 1-боғдорчилик-виночилик совхозининг коллективи қўкламга пухта тайёрланмоқда. Ҳозир бу ерда мевали дарахт учларини буташ бошланди. Бу ишда кўпгина боғбонлар фаол қатнашмоқда. Суратда: илғор ишчи Жалил Умаров олма дарахтларининг ортиқча новдаларини қирқмоқда.

С. Махов фотоси.

ЭНГ ЯХШИ ДЕВОРИЙ ГАЗЕТАЛАР КОНКУРСИ

Область касаба союзлари Совети, «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» область газеталарининг редакциялари корхона, муассаса, билим юрти, колхоз ва совхозларда чиқарилаётган энг яхши деворий газета учун юбилей конкурси ўтказадилар.

Конкурс ўтказишдан мақсад ўз материалларида совет кишисининг ҳаёти, унинг қандай меҳнат қилаётганлиги, билим олаётганлиги ва хордиқ чиқараётганликларини ёрқин ва чуқур мазмунли акс эттирадиган энг яхши деворий газеталарни аниқлашдир.

Шаҳар ва район редакциялари жамоатчилик вакилларини ва ишчи-деҳқон мухбирларидан иборат танлаш комиссиялари тузилиб, улар энг яхши деворий газеталарни танлаб оладилар.

Кункурс шу йил 1 октябрга давом этади.

Конкурс голиблари учун бир неча мукофотлар берилади. Конкурснинг барча голиблари дипломлар билан тақдирланади.

Область касаба союзлари совети, «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари редакцияси.

ХАЛК КОНТРОЛИ

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ТАЖРИБА—ОММАГА

Юқори Чирчиқ районида халқ контроли органларининг фаолияти бирмунча яхши йўлга қўйилган. Район халқ контроли комитети назоратчиларнинг ёрдамига таяниб, район олдида турган муҳим вазифаларни ҳал этишда партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларига яқиндан кўмаклашмоқда.

Умумхалқ контроли фаолияти район газетаси ва радиосида, шунингдек деворий газеталарда мунтазам ёритиб борилаётгани жуда қувончлидир. Бунда халқ назоратчиларининг тажрибаларини кенг ёйишга, группа ва постлар томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Райондаги «Суръат» газетасида «Халқ контроли саҳифаси» мунтазам чиқиб турибди. Узбекистон КП район комитети ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, халқ контроли группасининг раислари ва аъзолари, жамоатчи активлар газета саҳифаларида эълон қилинаётган ўз мақолаларида назоратчиларнинг тажрибаларини кенгроқ ёйишга ҳаракат қилмоқдалар. Свердлов номли ва «Правда» колхозлари, «Узсельхозтехника» район бўлими халқ контроли группаларининг иш тажрибалари газетада муқаммал ёритилди. Паркент қишлоғидаги жамоатчилик қабулхонасининг мудири Сибғатуллин ва комитетнинг меҳнаткашлар шикоят ва аризалари бюроси мудири Абдурашидов ўртоқлар ўз мақолалари билан иштирок этиб, меҳнаткашларнинг ариза, хат ва шикоятлари билан ишлаш, қабулни ташкил этиш соҳасидаги ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

«Ленинский путь», «Ленинобод» ва 12-совхозда «Халқ контроли тахтаси» ташкил этилган. Унда назоратчиларнинг фаолияти кенг ёритиб борилади. Маҳаллий радионинг кўпчилик эшиттиришлари ҳам шу темага бағишланмоқда.

Район радиосида «Халқ контроли амалда» рубрикаси билан мунтазам эшиттиришлар бериб борилмоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси назоратчилар фаолиятини жонлантириш, таъсир кучини ошириш, кўзланган мақсадга эришиш имконини бермоқда.

Область халқ контроли комитети юқоричирчиқлиларнинг шу соҳадаги тажрибаларини ўрганиб чиқди ва маъқуллади. Барча шаҳар ва район халқ контроли группаларига бу тажрибаларни ўрганиш таклиф этилди.

КЎЗБЎЯМАЧИЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

Айрим корхоналарнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари 1967 йил 1 январига ўтказилган моддий бойликларни рўйхатга олиш ишига жиддий муносабатда бўлмадилар. Марказий статистика бошқармаси органларига нотўғри ҳисобот юборганлар.

Янгийўл гидролиз заводида 17,5 минг сўмлик 19 асбоб-ускуна рўйхатга киритилмай қолганлиги аниқланди. Жумладан 9 насос, 12,5 минг сўмлик миқдорда қора металл ва мис прокатлари, пўлат трубалар ва бошқа хил материаллар ҳисобдан чиқиб қолган. Бундан ташқари ана шу корхонада 1,2 миллион сўмлик ўрнатилмай қолган ва 91 минг сўмлик ортиқча асбоб-ускуна борлиги билиниб қолди.

Янгийўл мебель фабрикасида эса 3,6 минг сўмлик ускуна, экспериментал колбаса заводида 2,4 минг сўмлик 17 та асбоб-ускуна рўйхатга киритилмай қолган. Областдаги яна бир қатор корхоналарнинг раҳбарлари ҳам моддий бойликларни рўйхатга олишда кўзбўямачиликка йўл қўйганлар.

Чирчиқдаги 160-қурилиш трестига қарашли бинокорлик материаллари комбинатида уч хил материал, 14 электр двигатели, трансформатор ва пресс-қайчилар ҳисобга киритилмаган. Ҳаммаси бўлиб 5,8 минг сўмлик мулк рўйхатга кирмай қолган.

Олмалиқдаги Олтинтопган қўрғошин-рух комбинатида ҳам моддий бойликни рўйхатга олишда эгри йўл тутишган. Комбинатдаги мавжуд 3,6 километр контроль кабели, 6,6 тонна мис, 5,9 тонна қўрғошин, 1 тонна латун, 4 та барабанли питатель ва бошқа молмулк статистика органларига юборилган рўйхатга киритмай қолдирилган.

Область халқ контроли комитетининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида бу масала кенг муҳокама қилинди. Текшириш якунлари айбдорларга чора кўриш ва йўл қўйилган камчиликларни тездан тугатиш учун Янгийўл партия комитети, Чирчиқ ва Олмалиқ шаҳар халқ контроли комитетларига юборилди. Кўрилган чора ҳақида дарҳол область халқ контроли комитетига маълум қилиш вазифаси топширилди.

ҲИСОБ-КИТОБДА ТАРТИБ БЎЛСИН

Область халқ контроли комитетининг штатсиз енгил ва озиқ-овқат саноати бўлими Янгийўл районидаги Ленин ва Ниёзов номли колхозларда сутни ҳисоб-китоб қилиш аҳволини ўрганиб чиқди. Текшириш дан маълум бўлишича, Ленин номли колхозда (раиси Н. Авазов) сут маҳсулотларининг ҳисоб-китоби ниҳоятда нотўғри олиб борилмоқда. Хўжалинда сут соғувчиларга 465500 литр сут учун иш ҳақи тўланган. Харанат ҳужжатларида эса 468203 килограмм сут кўрсатилган. Яна бир ҳужжатда колхоз эҳтиёжларига кетган ва давлатга сотилган сут 469480 килограмм деб (соғиб олинганидан 3980 килограмм кўп) қайд қилинган.

Ҳар ойда соғиб олинган ҳамда сарфланган сут миқдори солиштириб чиқилди. Бирор ойда ҳам соғиб олинган сут билан сарфланган сут миқдори тенг келмайди. Накладнойларда кўрсатилган миқдордаги сут заводда қабул қилинганидан фарқ қилади.

Қаймоқ топшириши ҳам ҳисоб-китоб қилишда кўп чалкашликлар бор. Колхоз ўз накладнойларида қаймоқ миқдорини қайд қилмаган. Фермада лаборатория бор, лаборантка штатига одам олинган. Аммо бу ходим бошқа соҳада ишлатилмоқда.

Ниёзов номли колхозда (раиси Ф. Мадалиев) соғиб олинган сут билан сотилган сут ўртасида тафовут йўқ. Аммо бу хўжаликда ҳам Ленин номли колхозда бўлганидек, ферма накладнойида кўрсатилган миқдордаги сут заводга тўла топширилмайди. Колхоз бухгалтерияси ҳисобчидан завод сут қабул қилувчиси имзо қўймаган ҳужжатларни ҳам ишониб олаверган. Етарли назорат ўрнатилмагани боисидан заводга накладнойларда кўрсатилганидан 1749 килограмм сут кам топширилган.

Область халқ контроли комитети текшириш якунларини муҳокама қилиш ва чора кўриш учун Янгийўл район халқ контроли комитетига топширди. Яқинда Янгийўл район халқ контроли комитети бу масаланн муҳокама қилиб, айбдорларни жазоладн. Ҳар икки хўжалинда сутни ҳисоб-китоб қилишни тартибга солиш тадбирларини белгилади.

СИФАТ УЧУН КУРАШ

Турсун ҳар куни ишга ярим соат эрта келади. Шунга одатланган. Дарбоза олдидаги қоровуллар ҳам ундан пропуска сўраб ўтиришмайди. Чунки яхши танишади. Ҳадемай ўн йил бўлади Турсуннинг шу дарбозадан кириб чиқаётганига. Каттага ука, кичиккa ака у.

Косиблик унга ота касб. Марҳум Акмал ака Аъзамов пойтахтимиздаги 1-пойафзал фабрикасида 40 йил меҳнат қилди. Шу ердан пенсияга чиқди. Кўзи тириклигида ўғлига ўз касбини ўргатиб қолган экан, мана бугун фарзанд падарнинг ишини давом эттираяпти...

У цехга бурилди. Қора халатини кийди-да, Шокир Абдуллаев бичган заготовкаларни бир-бир кўздан кечира бошлади. Сандал тасмаларини тортиб кўрди. Таранг. Сўнг моделли туфлининг юзи учун ўйилган заготовкани кўздан кечирди. Чармнинг ўнг томонини қўли билан силаб кўрди. Хиёл ғадир-будурлигини пайқаб, дарҳол уни бир томонга ажратиб қўйди. Бу туфли юзи учун ярамайди. Пойафзалнинг ён қисмига ишлатиш мумкин. Ҳозир фабрикадан янги моделда туфли чиқаяпти. Шу моделнинг ён томонига тикиладиган чарм заготовкага барибир пресс билан гул солинади.

Хиёл ғадир-будурлик чарм ҳам беш тоннали пресс остида бинойидек гулли заготовкага айланиб қолади.

Турсун қўшни агрегат ёнига ўтди. Бу ерда Ҳамид Расулов ишлаяпти. Ҳамид илгор бичиқчилардан. Қўлидан чиқаётган маҳсулотларнинг ҳаммаси аъло сортларга қабул қилиб олинади. Шундай бўлса ҳам Турсун Ҳамиднинг заготовкаларини қўлига олиб, синчиклаб қараб чиқди. Йўқ, ҳеч қандай нуқсон топа олмади.

Айни пайтда Абдувоҳид Ваҳобов, Вера Крязова, Хўжа Маъриповва Турсун Бадалов ўртоқлар ҳам агрегатлар оралаб бичилаётган заготовкалар сифатини текшириб чиқишди. Сўнг йиғилишиб журналга текширув якунларини ёзиб қўйишди.

1-цехдаги халқ контроли группасининг беш аъзоси бир бўлиб, ҳар куни ярим соат — бир соат маҳсулотлар сифатини кўрикдан ўтказишади. Турсун Аъзамов ҳам назоратчилар сафида. Уни группага аъзо қилиб сайлашганига анчагина бўлиб қолди. Дастлаб бироз қийналган эди. Ҳамма бир текис сидқидилдан, ҳалол меҳнат қилади деб ўйлар экан. Йўқ, назоратчилар сафига қўшилгандан кейин айрим кишиларнинг кўл учида иш қилишга одатланиб қолганини пайқади. Шундайларни ҳеч аямади. Юз-хотир қилмай камчиликларини очиб ташлайверди. Бундан олдинига бир хил кишилар хафа бўлишди. Йўқ, кейин улар ҳам қайсарликни ташлашди.

Талабчанликнинг охири ёмон бўлмади. Мана бугун 1-цех коллективи тайёрлаётган маҳсулотларнинг барчаси олий сортлар билан қабул қилиб олинмоқда. Ишчилар фақат сифатли заготовкалар бичишга, шогирд тушаётган ёшлар ҳам ён-атрофдаги кишилар каби биринчи кунданоқ ҳалол меҳнат қилишга одатланишган.

Қўшни участкаларда ҳаракат қилаётган назоратчилар ҳам корхона шуҳратини оширишга ўз ҳиссаларини қўшишаяпти. Улар ғайрати билан коллектив муваффақиятлари, кўлами кенгайиб бормоқда. Пойафзалчилар ўтган йилнинг 4-кварталида айниқса зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилиб, Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узсовпрофнинг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар. Юбилей йилининг дастлабки икки ойи ҳам зафарларга бой бўлди.

Турсун Аъзамов ва унинг дўстлари шу кунларда маҳсулот сифатини ошириш билан бир қаторда тежамкорликка ҳам кўз-қулоқ бўлмоқдалар. Фабрика аҳли яқинда Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига ўз зиммасига оширилган мажбурият олди. Мажбуриятга кўра йил давомида тежаладиган чарм ва бошқа хил материаллардан 26 минг 630 жуфт пойафзал тайёрланиши керак. Назоратчилар ҳозирданоқ мана шу мажбуриятни тўла-тўкис бажарилиши устида жон куйдирмоқдалар. Дастлабки натижалар чакки эмас. Фақатгина 1-цех ишчилари январь ойида 50 минг 700 квадрат дециметр устки чармни тежаб қолдилар.

Назоратчилар енг шимариб ишга киришганлар. Маҳсулот ишлаб чиқаришга ўз ҳиссаларини қўшиш билан бирга уларнинг бежирим ва жозибали бўлиши устида ҳам жон куйдирмоқдалар. Шундай жонкуярлар бор экан, пойтахтимиздаги 2-пойафзал фабрикасининг шуҳрати тағин ҳам ошаверади.

Ж. НОСИРОВ.

Н. А. Гаганова Тошкент кабель заводининг ветеран ходимларидан ҳисобланади. У прокат ўраш цехининг смена мастери, шу билан бирга халқ контроли группасининг актив назоратчиларидан. Ветеран кўп йиллик тажрибаларини ёшларга қунт билан ўргатмоқда. Халқ назоратчиси сифатида жамоат ишларида актив қатнашмоқда. Суратда: ўртоқ Н. А. Гаганова.

РЕМОНТ СУДРАЛМОҚДА

«Партия XX съезди» колхозининг қишлоқ хўжалик техникаси устахонаси. Бир неча киши тракторларни созлаш билан машғул. Устахона мудири Ҳамидулла Мирдадаев «ДТ-75» тракторини ремонт қилаётган механизаторни мақтай кетди:

— Бу йигит Тўра Файзиев бўлади. Тракторни жондан севади. Шунинг учун ҳам тракторини созлаб қўйганига бир ой бўлди.

— Шундан бери трактори атрофида гирдикапалак бўлиб юрибди, денг. Нима, ҳозир хўжаликда тракторга эҳтиёж йўқми?

— Аксинча, трактор бизга жуда зарур. Лекин юргизишнинг иложини тополмаяпмиз. Цилиндр манжети етишмай турибди. Қидирмаган жойимиз қолмади.

— «Узсельхозтехника»дан топилмасмикин?

— Ана шу идорани тилга олиб, нима қиласизлар! Ёз ўтди, куз ўтди, мана қиш ҳам тугай деб қолди, — дейди ҳаспратидан ранг чиқиб Ҳ. Мирдадаев. — Кўпгина қисмлар етишмаслиги туфайли тракторларимизни тўла ремонт қилолмаяпмиз. «ДТ-24» маркали тракторнинг гильза, поршенлари, «ДТ-54»нинг ободоги, кожухи, «Т-28 Х» нинг ланжерони ва бошқа эҳтиёт қисмларини кутавериб, мана қишни ҳам ўтказиб юбордик.

— Тракторимни бир ой аввал тўла ремонтдан чиқаришим мумкин эди, — дейди «Белорусь» ёнида турган Али Ҳусанов. — Лекин кожух, тормоз барабани, ланжерон йўқлиги қўлимни боғлаб турибди.

Али Ҳусановнинг эътирозини бошқа механизаторлар ҳам тасдиқлашди. «Узсельхозтехника» район бўлимининг техника назоратчиси Абдурасул Зуфаров бу ерга бир неча марта келган. Механизаторларнинг илтимосини, буюртмаларини эшитиб ён дафтарга ёзиб олган-у, бажаришни эса ҳаёлига ҳам келтирмаган. «Москва» колхозининг гаражида бўлсангиз, ниҳоятда тартибсизликдан гаранг бўлиб қолишингиз мумкин. Дарвозадан киришингиз билан очиқ жойда сочилиб ётган иккита силос комбайни, иккита сенокосилкага кўзингиз тушади. Қоқ белидан балчиққа беланиб ётган бу қишлоқ хўжалик машиналарини бири-биридан ажратиб олиш амри-маҳол. Негаки, қиш бўйи қор, ёмғир остида қолиб, асл қиёфасини йўқотган, заиглаб ишдан чиққан.

КЎКЛАМГА ШАЙМИСИЗ?

Ремонтчилар бригадасининг раҳбари Каримбек Олимбековнинг оғзи қулоғида.

— Ишимиз зўр, ремонт тугаёзди, — дейди у.

Ваҳоланки, гаражда «ДТ-54», «ДТ-75» маркали тракторларнинг қисмлари очилиб-сочилиб ётибди. Эндигина етти универсалдан учраси тайёр бўлибди. Тайёр дейилган тракторларнинг ҳам қисмлари тўла йиғилмаган.

Устахонада мутлоқ тартиб йўқ. Ўртоқ К. Олимбеков айрим эҳтиёт қисмлар етишмаслигидан нолийдику, мавжудларини лой, тупроққа белаб қўйибди. Зигзаг бороналар, чизеллар, прицепларни мавсумга шайлашга эътибор берилмаяпти.

Кўпгина хўжаликларда прицепларни созлаб, далага гўнг чиқаришда фойдаланилаётганини «Москва» колхози раҳбарлари билишармикан?

Ремонтчилар бригадаси бошлиғининг гапига қараганда 13 киши техникани созлашда иштирок этмоқда. Лекин устахонада ҳар куни 4—5 киши кўринади, холос. Уларнинг ҳам иш унуми паст. Эҳтиёт қисмлар етишмай ишни орқага сурмоқда.

«Узсельхозтехника» назоратчилари Абдурасул Зуфаров, Ҳалил Усмоновлар бу ерда ҳам бўлиб аҳволни кўриб кетишгану, камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилашмаган, зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлашмаган. Шу сабабли тракторлар ва унга тиркаб ишлатиладиган воситаларни кўкламга шайлаш, ремонтдан чиккан техникадан ҳозирги кунда дала ишларида фойдаланиш имкони бўлмаяпти.

Кўклам кутиб турмайди. Уни пухта тараддуд билан кутиб олиш зарурлигини унутмаслик керак. Техника ремонтига керакли қисмларни етказиб бериш ва созланган механизация воситалари сифатини назорат қилиб туриш «Узсельхозтехника» ходимлари зиммасида бўлмоғи лозим.

Техника ремонтига жиддий эътибор бермаётган бу колхозларнинг раҳбарлари эса нарироққа бориб аттанг деб қолишлари турган гап.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ КОЛЛЕКТИВ МУХБИРИ—КАЛИНИН РАЙОН «ЛЕНИНЧИ» ГАЗЕТАСИ.

ХАЛҚ МУЛКИ—МУҚАДДАС

Социалистик экономикани янада юксалтиришда ҳар бир тийин ва ҳар бир сўмнинг қадрига етиб, уни тежаб-тергаб ишлатиш муҳим аҳамиятга эга. «Барака тежамда» деб бежиз айтишмайди.

Иқтисод қилиш ва тежамкорликни кенг маънода тушунмоқ керак. Давлат мулкига хиёнат қилмаслик, унга ўз шахсий мулкидек қараш ҳам тежамкорликнинг бир омилидир.

«Главташкентстрой» қурилиш ташкилотларидаги 2 мингдан ортиқ халқ назоратчиси давлат мулкига хўжасизларча муносабатда бўлиш, уни талон-торож қилиш ҳолларига қарши кураш ва тежамкорликни бир ва хўжалик ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Халқ назоратчилари кейинги вақтларда қурилиш ташкилотларига суқилиб кириб, халқ мулкига кўз олайтираётган ва уни исроф қилаётган шахсларнинг бир қанчасини фош этдилар. Бироқ афсусланиб айтиш керакки, баъзи раҳбарлар хиёнатчиларга ҳомийлик қила бошладилар. Улар кўра билатуриб, тартиббузарларга ён босиб, жазоларини енгиллаштириш пайига тушиб олганлар. Хиёнатчининг ёнини олганнинг ўзи ҳам хиёнатчику. Бироқ баъзилар буни тушунмайдилар.

Мана бир мисол: «Главташкентстрой» нинг транспорт бошқармасига қарашли 5-автобаза директори А. И. Гребенюк баъзи бир автомашина ҳайдовчиларига бажарилмаган ишлари учун ҳам ҳақ тўлаб келганлиги маълум бўлиб қолди. Бош бошқарма партия комитети уни ишдан бўшатиш ҳақида қарор чиқарди. Шундан кейин Гребенюкнинг ҳомийлари директоримиз қордан оқ, сувдан тоза деб, бошқарма партия комитетига хат йўллашди. Ажабланарлиси шуки, улар орасида автобаза партия ташкилотининг секретари С. П. Пачин ҳам бор.

Яна бошқа мисол: «Главташкентстрой» халқ контроли комитети вагонларнинг узоқ вақт бўшатилмай туриб қолганлиги орқасида давлатга катта зарар етказган 153-трест бошқармасининг ўринбосари Коншинга жарима солди. Шундан кейин машмашанинг каттаси бошланди. Трест бошқарувчиси В. Назарбеков, партия ташкилотининг секретари М. А. Орлов ва бирлашган касаба союз комитети раиси И. П. Пелепец ўртоқлар Коншинга жарима солинганига ачиниб, «айбини кечишни сўраб» хат кўтариб келдилар. Давлатдан кетаётган минг-минг сўмлаб пулга бу раҳбарларнинг юраклари ачишмайдию, дўстларининг чўнтаги ҳақида ташвиш тортишади.

Халқ контроли комитети яқинда темир йўл станцияларига келтирилган юклар ўз вақтида тушириб олинмаётганлиги ва бунинг натижасида кўплаб жарима тўланаётганлиги масаласини кўриб чиқди. 6-қурилиш трести ўтган йили келтирилган ҳар бир вагон юкнинг ўз вақтида туширилмаганлиги туфайли 6 сўм 80 тийиндан жарима тўлади. Бу йил январь ойида эса ҳар бир вагон учун 12 сўмдан жарима тўланди. Темир йўл вагонларида келтирилган қимматбаҳо қурилиш материаллари яроқсиз ҳолга келиб қолди. Комитет бу фактларни муҳокама қилаётганда трест бошқарувчиси Г. Гавриченко бамайлихотир ўтирарди. Йиғилиш охирида ўртоқ Гавриченкога қилган хатолари ва давлатга етказган зарари учун ярим ойлик маоши миқдорида жарима солинсин дейилгандагина у қизариб ўрнидан туриб кетди. Менга нотўғри жарима соляпсизлар, деди. Негаки, бу киши ўз ҳамёни билан давлат ҳамёнини, ўз мулки билан халқ мулкини баравар кўрмайди-да.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида ана шундай бепарво раҳбарларнинг жатига «Главташкентстрой» бўйича темир йўлдга 111 минг 632 сўм жарима тўланди. Шу йилнинг дастлабки ойларида ҳам ўтган йилги хатолар такрорланмоқда.

Зилзила оқибатларини тугатаётган Тошкент учун жуда вазнли юкларни темир йўл вагонларидан ўз вақтида бўшатиб олмаслик давлат интизомига бўйсунмаслик, халқ мулкига хиёнат қилиш билан тенг деб баҳоланиши зарур.

Халқ контроли комитети бундан буён ҳам давлат мулкини ўз мулкидек кўрмаётган кишиларга қарши курашни кучайтираверади. Бу ишда бошланғич партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари, назоратчилар комитетга кўмаклашмоқлари лозим.

Халқ мулки—муқаддас. Уни кўз қорачиғидай сақлаш ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир раҳбарнинг бурчи. Хиёнат йўлини тўсайлик, олдини олайлик. Хиёнатчиларга ҳомийлик қилиш эса социалистик корхона раҳбарларига ярашмайди.

Қ. ТУРСУНОВ.

«Главташкентстрой» халқ контроли комитетининг раиси.

САФАРБАРЛИК ВАРАҚАСИ

Бекобод цемент комбинатининг цех ва бўлимларида, участка ва бригадаларида, идора ва қизил бурчакларида барча ишчилар, инженер-техник ходимларни тежамкорликка чорловчи плакат пайдо бўлди. «Иқтисод қилиш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш омиллари» ҳақида чиқарилган бу плакатда тежамкорлик ҳисобига фойда олиш йўллари конкрет мисолларда ифодалаб берилган.

Плакатда кўрсатилишича, ёнилғининг бир процента тежалса, йилига 16 минг сўм, электр қувватининг бир процента иқтисод қилинса, 8 минг сўм фойда олинади. Ҳавога чиқаётган цемент чангининг бир процента ушлаб қолинса, 10 минг сўм иқтисод қилинади.

Комбинат халқ контроли группаси ана шундай сафарбарлик варақаси чиқариб, яхши ташаббус кўрсатди. Бу ташаббус бошқа корхоналарда ҳам қўллаб-қувватланишга лойиқдир.

Тошкент экскаватор ремонти заводи коллективи Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, маҳсулотнинг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан яхши бўлиши учун ҳаракат қилмоқда. Маҳсулот сифатини оширишда халқ назоратчиларининг ҳиссаси катта. Халқ контроли постларининг аъзолари тез-тез рейд ва текширишлар ўтказиб резервларни аниқлаш, илғор иш усулларини ишлаб чиқаришга жорий этишда корхона маъмуриятн ва партия ташкилотига кўмаклашмоқдалар. Суратда: халқ контроли группасининг аъзоси, коммунистик меҳнат зарбдори, фрезерчи Николай Толстов механика цехининг ишчиларидан Л. Хашаев, Ю. Сутигин ва Ғ. Ҳасановлар тайёрлаган маҳсулот сифатини текширмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

НАЗОРАТЧИЛАР КЎМАГИДА

Пойтахтнинг Ленин райони халқ контроли комитети ўз фаолиятида меҳнаткашларга маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш масалаларига кўп эътибор бермоқда. Комитетнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлинмасининг ОРСига қарашли умумий овқатланиш корхоналарининг иши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Масалани муҳокамага қўйишдан аввал халқ назоратчилари кучи билан катта текшириш ўтказилди. 8 ошхонанинг хўрандаларга қандай хизмат кўрсатаётганлиги ўрганилди.

Текширишдан маълум бўлдики, кўпчилик ошхоналарнинг бинолари санитария талабларига жавоб бермайди. Идиш-товоқларни ювиш, маҳсулотни сақлаш қоидалари бузилмоқда. Таомлар калориясн нормадан паст. Баъзан хўрандалар ҳақига хиёнат қилиш ҳоллари учрайди. ОРСнинг умумий овқатланиш корхоналари бошлиғи В. Скорик ошхоналар иши устидан яхши назорат ўрнатмаган.

Район халқ контроли комитети бу масалани атрофлича муҳокама қилди. Ишда жиддий хатоларга йўл қўйгани учун В. Скорикка шахсий делосига ёзиш шарти билан выговор берилди.

ОРС халқ контроли группаси (раиси Маҳмудов) ошхоналар ва уларнинг филиаллари ишини назорат қилиб туришни унутиб қўйганлиги кўрсатиб ўтилди ҳамда бу масалага кўпроқ эътибор бериш таклиф этилди. Халқ назоратчиларининг текшириш якунлари ОРС ходимлари умумий йиғилишида муҳокама қилиш учун юборилди.

А. ПАШКОВА,

Ленин район халқ контроли комитети штатсиз информация сектори мудири.

МАМЛАКАТЛАР ВА КИТЬАЛАРДА

МАЪЛУМОТЛАР МАҚОЛАЛАР ВОҚЕАЛАР

ҚАРДОШ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

РУМИНИЯ

Бухарестда Руминиянинг ташқи савдоси масалалари юзасидан кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда Руминия Компартияси Марказий Комитетининг Бош Секретари Н. Чаушеску билан Министрлар Советининг раиси И. Г. Маурер қатнашдилар. Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари И. Вердецанинг министрликлар, корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг ташқи савдо соҳасидаги фаолияти юзасидан доклади муҳокама қилинди. Кенгаш охирида Н. Чаушеску нутқ сўзлади.

ВЕНГРИЯ

Будапештда қора металлургия соҳасида социалистик мамлакатлар ҳамкорлиги ташкилоти — «Интерметалл» қатнашчиларидан олти мамлакат вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари шу йилнинг иккинчи кварталида бир-бирларига металлургия буюмларини етказиб бериш тўғрисида келишиб олдилар ва техника-иқтисодий ахборотларни айирбошладилар.

Венгрия пойтахтида «Интервидение» кенгашининг навбатдаги сессияси тамом бўлди. Сессияда Болгария, Венгрия, Германия Ф... Финляндия...



БУХАРЕСТдаги атом физикаси институтида илмий мақсадлар, шунингдек халқ хўжалигининг бошқа эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган турли приборлар ва қурилмалар тайёрланмоқда. Институт коллективининг сўнгги муваффақиятларидан бири — газли лазердир. У Руминияда биринчи марта яратилди. Суратда: лазер ойнасини бошқариш.

Аджерпресс—ТАСС фотоси.

● ◆ ●

ЮГОСЛАВИЯ. Югославиянинг шимолида жойлашган Риеки порти билан Жанубий Адриатикада қурилаётган Бар порти орасида бутун денгиз қирғоғи бўйлаб Адриатика магистрали чўзилган. Бардан чиққан автомобиллар Черногория орқали Скоплега ўтади. Бутун магистралнинг узунлиги — 1900 километрдир. Суратда: магистралда.

ТАСС фотохроникаси.



ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИ

«Юбилей йилида Ватанга 4 миллион тонна пахта берамиз!» — Тошкентдаги Санъат саройи пештоқига ана шу шиор ёзилган транспарант осиб қўйилган. Бу ерда, 1 мартда, юбилей йили баҳорининг биринчи кунида ўзбек қишлоғининг энг яхши кишилари — пахта далалари ва фермаларининг вакиллари ўз қурултойига тўпландилар. Улар билан бирга қишлоқ хўжалик мутахассислари, ирригаторлар, олимлар, совхоз ва колхозларни замонавий техника билан қуроллантираётган саноатимиз ходимлари, министрлар, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари қурултойга келдилар. Қурултой қатнашчилари орасида мамлакатнинг бошқа пахтакор республикаларидан келган меҳмонлар ҳам бор. Ўзбек деҳқонлари ва чорвадорларининг шу республикалар қишлоқ хўжалик меҳнатчилари билан мусобақаси яхши традиция бўлиб қолган.

Машҳур мўл ҳосил усталари, таниқли механизаторлар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ветеранлари ва новаторлари президиумда ўтиришибди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Р. Қурбонов, Н. Г. Ляшченко, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдураззоқов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов, қардош республикалар делегацияларининг раҳбарлари — Қозоғистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Эҳсонов, Озарбайжон ССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Х. Б. Охундов, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. Ибраимов, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Х. Н. Мирзоянц, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари П. С. Долгов, КПСС Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлими секторининг мудири А. М. Борисенко, СССР Қишлоқ... лиги техника экинлар... нинг бошлиғи В. Н. ...

Қурултойни Ўзбе... нистрлар Совети... очади. Совет Иттиф... партияси Марказий ... бюросининг состави ... фахрий президиумга ...

Ўзбекистон Компа... Комитетининг секрет... нов 1966 йил якунл... лида республика қиш... наткашлари олдида ... тўғрисида доклад қи...

Докладни муҳока... жон область партия ... сачи секретари А. Ҳай... ласть ижроия комите... Шайхов, Ленинград ... тетининг биринчи се... торов, Сирдарё обла... тининг раиси Е. Т. ...

...И» ВА

...дан анча ав... ...ик тўғрисида ... жон-жаҳд... ...дро қуролини ...ёрлаш коми... биридир. Бу ...ган «Комба» ...ҳасида клон... ...сер» ташкил ...о кескинлик... ...зим бўлган ...к тўғрисидаги ... эди. Ҳозир ...а умидсизлик ...икасининг по... ...ри ўзларини ...тайёр қилиб ...мулоқаздалари. ...қилмоқдалари. ...затишлар» ки... ...тив Республи... ...қиётини хавф ...й бўлмаган са... ...тинч мақсад... ...ш. Бонндаги ...пропагандист... ...моқдалар. Ғар... ...эр шартнома... ...стри Штраус ...лари инобатга ...деб ошкора... ...ссёрлар син... ...нисбатан тур... ...ция, Япония, ...қуролига эга ...воситачилари ...н пинхона му... ...нинг шартлари... ...нинг қулоғига ...и» биз бўла... ...бутина бўли... ...арбий Герма... ...и шартнома... ...ишига ҳозир... ...ш» сўзи Бонн... ...р хил туйнук... ...лмоқда. Виль... ...а киритишни ...тини Бони жу... ...ертишга урин... ...мамлакатлари... ...ди. Шу сафар ...г режаларига ...аъдалар олди... ...рх қўймоқда— ...рлигини бата... ...в. «Англия, — ...галати аҳвол... ...омонинг асосий ...омондан Евро... ...Англия шу ...й бозор»дан ...лантириш эшит... ...ермания Феде... ...й Германияда ...ини тўлашдан ...инг ҳарбий ва ...грисидаги илга... ...олаб, бунга ҳам ...ўймоқда. ...о катта хатога ...нул қўймоқдалар, улар жуда кўпчилик давлатлар халқаро кескинликни юмшатиш истагида экинларини ҳисобга олмаётирлар. Бонн ўзининг милитаристик планлари бутун дунёнинг кўз ўнгида батамом шарманда бўлиб қолишидан қўрқиб, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўл қўйишга мажбур бўлади.

ҲИНДИСТОНДА САЙЛОВ

Етти кун мобайнида 15 февралдан 21 февралгача Ҳиндистонда халқ палатасига ва ўн олтита штатнинг қонун чиқарувчи мажлисига сайлов ўтказилди. Марказий парламентнинг 520 депутатини ва штатлардаги қонун чиқарувчи мажлисларнинг 3560 аъзосини сайлаш керак эди.

Сайловолди кампанияси ва сўнгра сайловнинг ўзи қаттиқ ички сиёсий кураш вазиятида ўтди ва оппозициячи партиялар ҳукмрон Ҳиндистон Миллий Конгресс партияси билан Индира Ганди бошчилигидаги марказий ҳукумат фаолиятини қаттиқ танқид қилдилар.

Норозилик учун сабаб кўп эди. Оппозициячи партиялар Ҳиндистон Миллий Конгресс партиясига қарши курашда шу норозиликлардан иложи борича кўпроқ фойдаландилар. Лекин ҳукмрон партиянинг ўзида ҳам бирлик бўлмади, партиядаги консерватив, либерал ва марказ оқимлари сингари асосий оқимлар тобора равшанроқ кўриниб қолди. Ҳиндистоннинг иқтисодий аҳволи оғир эканлиги сайловолди кампаниясининг боришига таъсир ўтказди. Қурғоқчилик сабабли сўнгги йилларда ҳосил унмаганлиги ўн милиционларча аҳолини очарчилик ёқасига келтириб қўйди. Саноатни ривожлантириш суръатлари бир мунча секинлашди. Ишсизлик кўпайиб бормоқда. Расмий маълумотларга кўра мамлакатда 10 миллион ишсиз бор.

Шу тариқа сайлов ҳукмрон Ҳиндистон Миллий Конгресс партияси учун жиддий қийинчиликлар келиб чиққан шароитда ўтди. Дарҳақиқат овоз беришнинг эълон қилинган дастлабки натижаларининг ўзи ҳукмрон партия ўзининг сиёсий таъсиридан маҳрум бўлаётганлигини кўрсатди. Айни маҳалда кўпгина штатларда бир томондан ўнг буржуа партиялари, иккинчи томондан эса, сўл партиялар учун берилаётган овозлар кўпаяберди. Сиёсий кучларнинг икки томонга ажралиш тенденцияси кўзга ташланиб қолди. Икки штатда-Керала ва Мадрасда Миллий Конгресс партияси қонун чиқарувчи мажлисларга ўтказилган сайловда қаттиқ мағлубиятга учради. Керала етти сўл партиядан, жумладан Ҳиндистон Коммунистик партиясидан иборат бирлашган фронт тўла ғалаба қозонди. Сўл кучлар штатнинг қонун чиқарувчи мажлисида катта кўпчилик овозни олган ҳозирги пайтда шу штатнинг ҳукуматини тузишлари мумкин.

«Патриот» газетасининг хабар беришича, қиррқа яқин министр, шу жумладан марказий ҳукуматнинг бир қанча министрлари ва уларнинг ўринбосарлари мағлубиятга учрадилар. Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди Уттар Прадеш штатида ўз рақиби устидан ғалаба қозонди. Лекин Мадрас штатида Ҳиндистон Миллий Конгресс партиясининг раиси Камараж сайланмай қолди, Миллий Конгресснинг бош секретари Т. Манаси ва партиянинг бошқа кўпгина таниқли арбоблари мағлубиятга учрадилар.

Халқ палатасига ўтказилган сайловнинг тўла бўлмаган маълумотлари шуни кўрсатиб турибдики, 24 февраль эрталабгача 180 ўрининг тақдири ҳал бўлган. Ҳиндистон Миллий Конгресс партияси шу ўринлардан 92 тасини, Жанг Сангх деган ўнг партия 22 тасини, Сватантра деган ўнг партия 14 тасини, коммунистлар 14 тасини ва бошқа партиялар 38 тасини олганлар. Марказий парламентга берилган овознинг ана шу дастлабки натижалари Ҳиндистон Миллий Конгресс партияси 180 ўриндан 51 процентини олганлигини кўрсатди. Ҳолбуки, 1962 йилда бу партия парламентдаги ҳамма ўринларининг деярлик 75 процентига эга эди. Кучларнинг бу нисбати овозларни санаш давом этган сайин ўзгариб бориши мумкин, албатта.

САТО КАБИНЕТИ ЯНА ҲОКИМИЯТГА КЕЛДИ

Яқинда Японияда бўлган парламент сайлови мамлакатдаги сиёсий кучларнинг жойлашишига бирон-бир жиддий таъсир кўрсатгани йўқ. Ҳукмрон либерал-демократик партия парламентдаги депутатлик ўринларининг кўпчилигини олди. Ун еттинчи февралда парламент 1964 йилдан бери Япония ҳукуматига бошчилик қилиб келган Эйсаку Сатони яна кўпчилик овоз билан Бош министр қилиб сайлади. Сато шу захотиёқ сўзга чиқиб, ҳукуматдаги министрларнинг состави сайловгача қандай бўлса, шундайлигича қолаберади, деб эълон қилди.

Шундай қилиб, Япония «янги» ҳукуматининг состави эскича қолади. Унинг ички ва ташқи сиёсати ҳам ўзгармай қолиши кўриниб турибди. Сато ҳукумат тузганидан кейин биринчи бор ўтказилган матбуот конференциясида айтган гаплари ҳам шундан далолат бериб турибди.

Сато, мен оппозициянинг солиқларни камайтириш ва аҳолининг иқтисодий аҳволини яхшилаш соҳасидаги бошқа чоралар хусусидаги фикрини «инобатга оламан, лекин ўзим «қайси фикрларни қиммат»ли ва амалга ошириш мумкин бўлса», ўша фикрлар билангина ҳисоблашаман, деб айтди. Сато матбуот конференцияси давомида Япония халқ истеъмолининг асосий маҳсулоти бўлган гуручнинг чакана нархини яна ҳам ошириш муқаррар деган фикрга япон халқини ишонтирмоқчи бўлди. У, мана шу проблемани «эҳтиётқорлик билан» ҳал этишга ваъда қилиб, озиқ-овқатнинг етишмаслиги кучайиб бораётганлиги сабабли гуручнинг муътадил нархини сақлаб қолиш ишида ҳукумат чекаётган қийинчиликларни аҳоли англайди, деб умид билдирди.

Гуручнинг нархи ошиши билан бошқа товарларнинг ҳам нархи кўтарилаберади. Японияда яшаган киши бунни яхши билади. Бош министрнинг журналистлар ҳузурида айтган гаплари неча йиллардан бери нарх-навонинг тўхтовсиз ўсишидан жафо тортаётган япон меҳнаткашларига тасалли бергани йўқ. Ҳукуматнинг ва капиталистик монополияларнинг сиёсати оқибатида вужудга келган қимматчиликка қарши кураш Япония ишчилар синфининг шу йил мартда бошланадиган традицион «баҳорги ишчилар юруши»да муҳим ўрин олади.

Сатонинг ва ҳукумат министрларининг халқаро масалалар хусусидаги гаплари ҳам меҳнаткашларнинг ташвишини камайтирмайди. Ўз позицияси ва амалий ҳаракатлари билан аслини олганда Вьетнамдаги Америка агрессорларига кўмаклашаётган ҳукуматнинг ташқи сиёсатига нисбатан меҳнаткашларнинг шубҳа ва норозилик билан қараётганлигини йўқотиб бўлармишми.

Март ойининг ўрталарида парламент сессияси яна давом эттирилади, апрелда эса мамлакатдаги маҳаллий ҳокимият органларига сайлов бошланади. Маҳаллий органларга сайлов шу йилги энг муҳим сиёсий воқеалардан бирига айланиб кетса ажаб эмас. Яқинда бўлган парламент сайловидаги бир мунча муваффақиятдан далда олган оппозициячи партиялар ҳокимиятнинг маҳаллий органларида ҳам либерал демократларни суриб чиқаришга ҳаракат қилиб кўрадилар. Меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун олиб бораётган баҳорги курашига қўшилиб, бу воқеалар Японияда сиёсий эҳтиросларни тағин ҳам авж олдириб юборса керак.

С. ИВАНОВ,
А. СТУПАК,
А. БИРЮКОВ
(ТАСС).

Эрон шоҳи Н. С. Патоличевни қабул қилди

ТЕҲРОН, 26 февраль. (ТАСС). Бугун Эрон шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий СССР Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев бошчилигидаги совет савдо делегациясини қабул қилди.

Делегация эрталаб, шунингдек сув таъминоти ва электр энергия министри Руҳани билан ва қишлоқ хўжалиги министри Риёҳий билан учрашди.

Совет савдо делегацияси Эрон пойтахтининг ҳаёти билан танишиб, бугун пойафзал фабрикасида бўлди.

ЖАКАРТАДАГИ МАЖЛИС

ЖАКАРТА, 25 февраль. (ТАСС). Индонезия қуролли кучлари эндиликда генерал Сухарто бошчилик қилаётган ҳукуматга қарши ҳар қандай чиқишларни бостирадилар, дейилади Индонезия қуролли кучлари қўмондонларининг кеча кечкурун бўлган мажлиси ахборотида.

АНТАРА агентлигининг хабар беришича, кенгашда қатнашган миллий мудофаа ва хавфсизлик министри генерал Сухарто, унинг ўринбосари генерал Пангабеан, ҳарбий-денгиз кучлари қўмондони адмирал Мульяди, ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони авиация вицемаршали Русминьнурьядин, полиция кучлари қўмондони генерал Сучито Юдодиҳаржолар ҳокимиятни генерал Сухарто қўлига топшириш тўғрисида 1967 йил 20 февралда чиқарилган фармонни бажариш учун масъулиятни қуролли кучлар ўз зиммасига олади, деб кўрсатганлар.

ГАРУАДА АМЕРИКА КОНТРАБАНДИСТЛАРИНИНГ ИШИ ЮЗАСИДАН СУД

ГАРУА, 25 февраль. ТАСС мухбири Б. Петухов хабар беради:

Камерун шимолидаги чоғроқ Гаруа шаҳрида бош прокурорнинг талабига биноан, Камерун орқали контрабанда йўли билан қурол ташиб ўтиш ҳақидаги иш юзасидан такрор суд процесси бошланди. 1966 йил 11 октябрда мамлакат осмон чегарасини бузган «ДС—4» самолёти Гаруа яқинида ерга мажбуран қўнди. Самолёт ичида қуроллар ва ўқ-дорилар топилди.

Такрор ўтказилаётган суд процесси асосий жавобгар — АҚШ граждани, «ДС—4» командири Вартон иштирокисиз бошланди. Яхши хабардор манбалардан олинган маълумотларга кўра, бундан икки ҳафта аввал Вартон маъмуларнинг рухсатисиз мамлакат чегарасидан чиқиб кетган.

Янги суд процесси қочиб кетган американинг яшириш равишда қурол ташишда янги иш эмаслигини ва Роттердамда самолётга ортилган мана шу қурол ва ўқ-дори ҳавотирлик кунларини бошидан кечираётган Нигерия учун мўлжалланганлиги яна бир бор тасдиқлайди. Чунончи, Вартоннинг ёрдамчиси Нельсон (у ҳам АҚШ граждани) қуроллар ягона ва бўлинмас Нигерияни сақлаб туриш душманлари қўлига тушиши кераклигини «эслаб қолди».

Мазкур иш юзасидан биринчи процесс ҳам Гаруада шу йил 4 январда бўлиб, Камерун осмон чегарасини бузганликлари учун Вартон ва Нельсон бир ой қамоқ жазосига ва пул жаримаси тўлашга ҳукм қилинган эдилар.

Бугун Гаруа суди «ДС—4» самолётининг механиги билан механик ёрдамчисини ҳам пул жаримаси тўлашга ҳукм қилди.

Шу йил январ ойи бошида ўтган биринчи суд мажлисида уларнинг иккаласи айбсиз деб топилган эди.

Самолёт командирининг ёрдамчиси Нельсонга нисбатан аввалги ҳукм—бир ой қамоқ ва пул жаримаси тўлаши лозимлиги такрорланди. Самолёт командири Вартон йўқлиги туфайли унинг иши кейинроқ кўрилади.



МАДЕЙРА. Суратда: Фуншал. Портдаги эски қалъа.
А. Катков ва С. Преображенский фотоси, ТАСС фотохроникаси.

УЛКАН РЕЖАЛАР

Шу кунларда ҳар бир совет кишисининг қалби юксак ҳис ва туйғуларга, қувонч ва фахрга тўлиб-тошгандир. Бу йил — Совет давлатининг 50 йиллигини—бахт-саодат, янги ҳаёт ва фаровон турмуш берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли ярим асрлик тўйини байрам қиламиз. Бу истак, бу мақсад ва ният мамлакатимиздаги, шу жумладан областимиздаги барча меҳнат аҳлини ижодий ва яратувчилик ишларига, янги зафарларга руҳлантириб юборди.

Кечагина бўлиб ўтган Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойи қатнашчиларининг қалб сўзларини тинглар экансиз, ана шу олижаноб фазилатларни янада ёрқин кўрасиз. Поёнсиз далаларимизнинг миришкорлари, моддий бойликлар яратаётган азамат деҳқонларимиз Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг буюк ғамхўрликларини, социалистик тузум туфайли қишлоқ хўжалигида, ўз ҳаётлари ва турмушларида эришаётган муваффақиятлар, катта ўзгаришлар ҳақида ғурур ва мамнуният билан, қувонч ва чексиз завқ билан ҳикоя қилар эдилар. Ишчилар, интеллигентлар сингари қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам беш йилликнинг биринчи йилига якун ясадилар ва юбилей йилининг улкан режалари ва планларини белгилаб олдилар.

Ўтган йилнинг якунлари, зафарлари ҳар биримизнинг қалбимизни хушнуд этади, тўлқинлантиради. Халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати мўъжизалар яратди. Пахтачилик тарихида мисли кўрилмаган зафар қучдик. Она-Ватанга 4 миллион 82 минг тонна, яъни планда кўрсатилганидан 382 минг тонна кўп «оқ олтин» армуғон этилди. Областлари республикамизнинг улкан ...ларининг муносиб ҳиссалари... Она-Ватан пойтахт областидан... нага яқин олтин дурдона қабу...

Ўтган йили машиналар ўз қ... гвардиячилари ўз маҳоратлари... намойиш қилдилар. «Зангори ... керларидан 1 миллион 329 мин... тин» тўкилди. Тошкент области... лари ялпи ҳосилнинг 51 проце... ларда теріб олдилар. Машъал... онининг хўжаликлари эса 72 п... машиналарда теріб, ажойиб ... дилар. Областимизнинг илғор ... хозларида 80—90 процент пах... билан терилди. Ҳосилдорлик б... йилларга нисбатан бирмунча о... лар ва совхоз ишчиларининг й... лари, моддий манфаатдорлик... дан юксак бўлди.

Беш йилликнинг биринчи й... лар, сабзавотчилар, чорвадорл... жалигининг барча соҳаларида... ган меҳнатсевар, ижодкор хал... янги муваффақиятлари қўлг... Қишлоқларимиз файзига-файз, ... қўшилди, янада обод ва кўрка... йилнинг якунлари салмоқлин... ...ининг мажлиси 1967 йил 26 февралда Варшавада ўз ишларини тамомлади.

Эфиопияга миллий экономи... ...ам кўрсатиб келмоқдалар. ... мамлакатда бир қанча сано... дис-Абебада тикувчилик фаб... ...ка цехларидан бирида.

ЧТК—ТАСС фотоси.

МАЖЛИСИ ТУГАДИ

Ўз ишларини қардошларча ...зиятда ўтказган комиссия ...жжатларнинг лойиҳаларини ...ҳокама қилди. Конферен... ...я 1967 йил 24—27 апрелда Чехословакиянинг Карлови вари шаҳрида бўлади.

ҚЎШИҚ СОҲИБИ

Эй сабо, ҳолим бориб сарви
гулондомимга айт,
Ингларимни шиддатин гул
барги хандонимга айт...

Жозибадор, дилга ором бахш этувчи бу қўшиқни тинглаганингда беихтиёр севимли хонанданинг исмини эслайсан. Бу қўшиқчи қадим Бухоронинг Вобкент районидан санъатга шайдо бўлиб чиққан, хушовоз ўғли Саттор Ярашевдир.

Саттор ижодий фаолиятини халқ куйлари ва мақомларни тараннум этишдан, танбурини сайратиб, соз ихлосмандларини мафтун этишдан бошлаган. Узининг иктилиши, санъат сирларини қунт қилиб ўрганиши, ўз устозларининг ўгитларини қалбига жо қилиши туфайли тез орада талабчан томошабинлар қалбига йўл топди. Ниҳоят опера санъатининг етук намояндаларидан бирига айланди. Фақат республикамиздагина эмас, Иттифоқимизда ҳам опера шинавандалари унинг номини фахр ва ифтиҳор билан тилга олишади.

Саттор Ярашев ўз ижодий йўли давомида киши хотирасида узоқ сақланиб қоладиган ажойиб образларни яратди. Хуш овози, етук таланти билан ўзи яратган қаҳрамонларининг ички кечирмаларини, пок севгисини, инсонларга бўлган меҳр-муҳаббатини маҳорат билан ифода этиб берди. «Тоҳир ва Зуҳра» музикали драмасида Тоҳир, «Фарҳод ва Ширин» драмасида Фарҳод, «Фронт бўйлаб бўйруқ» драмасида Актёр образлари Саттор Ярашевнинг чинакам қўшиқ соҳиби маҳоратли саҳна артисти эканлигини кўрсатди.

Айниқса ўзбек операсини ривожлантиришда талантли Саттор...нинг хизмати катта. «Кўр ўғли» операсида Равшан, «Улуғ канал» операсида Бўтажон, «Лайли ва Мажнун» операсида Мажнун, «Гулсара»да Қодир, «Дилором»да Моний, «Шоир қалби»да Фурқат каби образларни яратиб, томошабинлар таҳсинига сазовор бўлди.

Саттор Ярашев Ўзбекистон санъат усталари билан биргаликда Ҳиндистон, Бирма, Афғонистонда бўлиб, ана шу мамлакатларда ўзбек халқи санъатининг дурдоналарини намойиш қилишда ўз дўстлари билан бир қаторда муносиб ҳиссасини қўшди.

Ўз таланти, ажойиб қўшиқлари билан элга чин юракдан хизмат қилаётган Саттор Ярашев Ўзбекистон ҳукумати томонидан муносиб тақдирланди. Унга республика халқ артисти фахрий унвони берилди.

Бугун қўшиқ соҳиби, катта талант эгаси Саттор Ярашевнинг туғилган кунига 50 йил, санъат даргоҳига қадам қўйганлигига 30 йил тўлади. Улуғ Октябрнинг тенгдоши, севимли қўшиқчимиз Саттор Ярашевга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ижодий ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Қўшиқ соҳиби Саттор Ярашев санъат чаманзорида тинмай жавлон ураверсин!

Э. ХУШБЕКОВ.

ШАСТРИ ХОТИРАСИ

Марҳум Лаъл Баҳодир Шастри хотирасини абадийлаштириш мақсадида энг яхши ёдгорлик лойиҳаси учун конкурс эълон қилинган эди. Бу конкурсда тошкентлик лойиҳачилар қатори, бошқа шаҳарлардан ҳам, шунингдек Шастри ватани Ҳиндистондан ҳам мутахассислар қатнашишди.

Яқинда конкурсга яна бир неча ёдгорлик лойиҳаси тақдим этилди. Булардан иккитаси — «Рамаяни» ва «1333» конкурсга қабул қилинди.

Суратларда: (чапдан) «Рамаяни», «Тошкент — тинчлик шаҳри» ва «1333» деб номланган ёдгорлик лойиҳаларини кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотолари.



КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

153 қурилиш трестининг 1-бошқармаси коллективи фарзандларимизга атаб кўплаб боғча ва ясли бинолари қуриб бермоқда. Куни-кеча улар Чиловзорнинг 16-кварталида 240 ўринли навбатдаги болалар комбинатини фойдаланишга топширдилар. Ўтган йили ҳам бошқарма аҳли 7-кварталда 280 ўринли шундай комбинатни қўлдан чиқарган эди.

Ҳозирги кунда бошқарма коллективи яна 2 қаватли комбинат қурилишини олиб бормоқда. Ҳозир пойдевор қуйиш ишлари ниҳоясига етиб қолди. Бундан ташқари 2-кварталда янги туғруқхона биноси ҳам фойдаланишга топширилади.

159-қурилиш трестининг 9-бошқармаси бинокорлари эса ҳозир Октябрь районининг Қўргонча кўчасида қурилаётган 280 ўринли болалар боғчаси биносида пардозлаш ишларини олиб бормоқдалар.

КИНОТЕАТРЛАР КЎПАЙМОҚДА

Пролетар кўчасида янги қишки кинотеатр биноси фойдаланишга топширилди. Унга «Фестиваль» номи берилди. Янги кинотеатр 250 ўринлидир.

Яқин келажакда кинотеатрлар сони тағин ҳам ошади. Қатортолда ҳозир 820 ўринли кенг экранли кинотеатр биноси қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаяпти. Ҳамза кўчасида қад кўтараётган 800 ўринли кинотеатр ҳам юбилей йилида ишга тушади.

Янги ҳаёт маҳалласида қурилаётган ёзги кинотеатр 800 ўринлидир. Бу бинони 6-қурилиш трести коллективи қўлдан чиқараяпти. Шунингдек студентлар шаҳарчасида ҳам 800 ўринли ёзги кинотеатр биноси қурилаяпти. Куйбишев шоссеси ва Октябрь массивида шу йилнинг ўзида иккита кинотеатр аҳолига хизмат кўрсата бошлайди.

РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА

Тошкент темир йўл инженерлари институти коллективи бинокорлардан ажойиб совға олди. Пойтахтимиз бинокорлари «Узгипротранс» институти инженерлари лойиҳаси асосида тўрт қаватли ойнаванд ошхонани қўлдан чиқардилар. Бу ерда бир йўла 500 киши овқатланиши мумкин. Хўрандаларга 90 киши хизмат қилади.

Ошхонанинг остки қавати омборхонага мўлжалланган. Бу ердаги олтита холодильникда 60 тонна маҳсулот сақлаш мумкин. Бундай йирик ошхона республикамизда биринчи марта қурилди.

Ошхонанинг 3-қавати миллий таомларни севганларга мўлжалланган. Уқитувчилар учун эса алоҳида зал ажратилган. Қаватларнинг бири ёшлар кафесидир.

Пазандалар учун намунали шароит яратиб берилган. Барча таомлар газда пишади. Меню бўйича 12 хилдан ортиқроқ таом тайёрланаяпти. Бу таомларга олдиндан заказ бериб қўйиш ҳам мумкин.

Ёз кунлари ошхона ҳовлисида фонтан отилиб туради. Унинг теварак атрофини кўкаламзорлар ўраб олади. Бу ерда комсомол тўйлари, турли хил кечалар ўтказиш мумкин.

...атга кирмай қолган.

...ошин-рух комбинатида ҳам мод... ...ри йўл тутишган. Комбинатдаги ...бели, 6,6 тонна мис, 5,9 тонна ...рабанли питатель ва бошқа мол... ...илган рўйхатга киритмай қолди...

...тининг яқинда бўлиб ўтган маж... ...қилинди. Текшириш якунлари ...заводга накладнойларда кўрсатилганидан 1749 килограмм сут... топширилган.

Область халқ контроли комитети текшириш якунларини муҳокама қилиш ва чора кўриш учун Янгийўл район халқ контроли комитетига топширди. Яқинда Янгийўл район халқ контроли комитети бу масалани муҳокама қилиб, айбдорларни жазолади. Ҳар икки хўжаликда сутни ҳисоб-китоб қилишни тартибга солиш тадбирлари белгиланди.

РАИСА

Қишлоқ совети «Кўкорол» совхозида қуриладиган навбатдаги мактаб биноси учун етарли қурилиш материаллари ажратиб берди. Ўқувчилар эса ҳашар йўли билан 150 мингдан ортиқ гишт тайёрлашди. Қурувчилар мактаб эшигини 1964-ўқув йилига очиб бериш шарти билан ишни бошлаб ҳам юборишди. Лекин мактаб қўнғироғи 1965-ўқув йилида ҳам чалинмади. Бошқачароқ қилиб айтганда қурилиш чўзиб юборилди. Шундай тошбақа қадам билан тикланаётган бу мактаб қурилиши йил охирига келиб бир йўла тўхтаб қолди.

Қишлоқ советининг раиси Мария опа бу ҳақда совхоз раҳбарларига бир-икки бор айтиб ҳам кўрди. Лекин улар қурилишни тезлатиш ўрнига ҳали у, ҳали бу баҳонани рўкоч қилишди.

Энди, нима қилиш керак? Совхоз маъмуриятига айтган билан бўлмаяпти. Мактаб қурилишини шу йилдан қолдирмай тугатиш керак. Мария опа ана шу ҳақда ўйлар экан, қурилиш йўлига тўғаноқ бўлаётган сабабларни ўрганиб чиқишни кўнглига тугиб қўйди. Халқ маорифи доимий комиссияси аъзолари ёрдами билан сабаблар ўрганиб ҳам чиқилди. Гапнинг очиғи қурилишни шунчалик чўзилиб кетишига сабаб бўладиган бирор аниқ тўғаноқни топишолмади. Қурилиш материаллари бўлса етарли. Ишчи кучи ҳам бор. Демак бир нарса — қурилишни тугаллатиш учун ҳафсала, иштиёқ етишмаётган экан.

Шундан кейин Мария опа қишлоқ советининг навбатдаги сессиясида совхознинг қурилиш ишлари бўйича инженери Ўртоқ Мельниковнинг ҳисоботини қўйди. Сессиянинг фаолиятини ва бу соҳага бўлган муносабатини атрофлича муҳокама қилиб, мактаб биносини янги ўқув йилигача фойдаланишга топшириш юзасидан қарор қабул қилди. Қарорнинг ижроси эса қадамба-қадам кузатиб борилди. Мактаб эшиги шундай қилиб 1966-ўқув йилида қишлоқ ўқувчиларига очиб берилди.

Биз қишлоқ советининг раиси Мария опанинг чорак -асрлик фаолиятидан бир шингилингина айтиб ўтдик. Эҳ-ҳа, Мария опа ҳозиргидек ҳуснда баркамол қишлоқни кўриш учун ҳаётнинг не-не синовчан машаққатли йўлларини босиб ўтмади.

1941 йил. Немис газандалари Ватанимизга тўсатдан чанг солиб, азиз тупроғимизга бостириб кирган дамлар. Худди шу йиллари эндигина ўн тўққиз баҳорни кўрган Мария поселка советида секретарлик қилар, фронт учун, ғалаба учун куч-қувватини аямай меҳнат қилаётган қишлоқ аҳлининг дардига, севинчига шерик эди. Тўғри, ўша кезлари улар юрагига йўл топа билиш осон эмасди. Ширин сўзи, муомаласи билан поселка совети эшигига келган кишилар ишончини қозониш, улар юрагига йўл топа билиш Мария учун қийин эди.

Мана, совет кишилари газандаларни ўз кавлаган ғўрларига кўмди. Тинч иқтисодий меҳнат ҳам бошланиб кетди. Шундан кейингина Марияннинг илк орзулари бирин-сирин ушала борди, бир вақтлари кўримсиз бўлиб ётган «Кўкорол» қишлоғи аста-секин қаддини ростлай бошлади.

Хўжаликни бойитиб, қишлоқни обод этиб йиллар кетидан йиллар қувлашиб ўтарди. Мария меҳнатчанлиги, дилкашлиги билан қишлоқ аҳолисининг қалбига кириб борарди. Бундан роса 26 йил илгари Мария Степановна Мазуркеевични поселка совети раислигига тавсия қилишади.

Қишлоқларимиз кишилари

— Очиғини айтсам, — дейди Мария Степановна биз билан қилган суҳбатда, — ўша кезларда бир неча кун иккиланиб ҳам юрдим. Негаки фикри-ҳаёлим менга билдирилган ишончни оқлай олармикинман, деган савол билан банд бўлиб қолди. Кўз қўрқоқ, қўл ботир экан. Ҳамма гап иштиёқда, халқ билан ҳамнафас бўлишда экан. Қишлоғимиз шунчалик обод, кўркам бўлади, деб ким ўйлабди дейсиз. Кўпчилик билан ҳамнафас бўлдик, уларнинг кучига, қудратига таяндик. Ҳозир қишлоғимиз жамолига узоқ тикилиб туриб, беихтиёр тўлқинланиб кетаман.

Қишлоқ совети территориясида иккита — «Бўка» ва «Кўкорол» совхозлари бор. Бу хўжаликларда 1954 йилда биринчи марта 200 гектар ерга чигит экишган эди. Йиллар ўтиши билан хўжаликларнинг экин майдони ҳам кенгайди, ҳосилдорлиги ҳам ошди. Даромад салмоғи эса кўпайиб борди. Биргина «Бўка» совхозининг ўзи ўтган йилда 3000 гектар ернинг ҳар гектаридан 21,5 центнердан ошириб ҳосил олди. Хўш, бундан олинган даромад нималарга сарфланиши мумкин. Турган гап, ҳосилдорлик ошиб даромад кўпайган сайин аҳолининг ҳам маданий турмуш шароити ошиб борди. Баракали ҳосил кўтараётган совхоз ишчилари қалбида янада фаровон ҳаёт кечириш янгиянги уй-жойлар қуриш иштиёқи тузилди.

Қишлоқ совети раиси Мария Степановна қолаверса унинг активлари қишлоқни доимий комиссия аъзолари Мирзабек Тўлаганов, Абдураззоқ Бекмуродов, Қунис Қорабеков, Сергей Ким каби ишга жонкуярлар қишлоқ қурилишини ҳозирги замон типида бўлишига катта эътибор беришди. Ҳозир қишлоқда, масалан «Бўка» совхозининг ўзида янги типда қурилган 6 та, «Кўкорол» совхозида эса 4 та поселка ўзини кўз-кўз қилиб турибди. «Бўка»» совхозида 4 та саккиз йиллик, «Кўкорол» совхозида эса ўнта саккиз йиллик ва битта ўн йиллик мактаб ишлаб турибди. Қишлоқда совхоз ишчиларининг маданий ҳаёт кечиришлари учун нимайики зарур бўлса ҳозир ҳаммаси мавжуд. Касалхона, амбулатория, аптека, ўнта медицина пункти, ўнта кутубхона, бешта ҳаммом, 21 та озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари, битта маиший хизмат кўрсатиш объекти ва бир неча болалар боғчалари ва яслилари ана шу хўжаликлар даромадига даромад қўшаётган қишлоқ аҳолисининг хизматида.

Мана кейинги беш йилликнинг ўзида қишлоқда 350 дан ортиқ янги ойнавандли уй-жой қуриб фойдаланишга топширилди. Кўпгина посёлкалар электрлаштирилди. Ҳозир 500 дан ортиқ хонадон «зангори ёқилғи»дан фойдаланмоқда. 115 километр йўл очилди, уч километр тротуарга асфальт ётқизилди. Шунингдек қишлоқ марказида болалар лагерлари, боғча ва яслилари ҳам ишлаб турибди. Фақат ўтган 1966 йилнинг ўзида «Бўка» совхозида юз хўжалик «Кўкорол» совхозида ҳам юз хўжалик янги шинам уйларга кўчиб киришди.

Қишлоқ Совети ва унинг доимий комиссиялари Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги нишонланадиган юбилей йилида қишлоқни янада ободонлаштириш, аҳолининг маданий-маиший турмуш шароитини янада яхшилаш йўлида тинмай меҳнат қилишмоқда. Улар юбилей йилида депутатлар билан ҳамкорликда қишлоқ аҳолисига битта мактаб, туғруқхона, ўқув зали ва болалар лагери қуриб беришмоқчи. 60 хўжалик учун янги уй-жой қуриб бериш ҳамда 150 хонадонни газ билан таъминлаш, водопровод тармоқларини уч километрга чўзиш, икки километр йўлга асфальт ётқизиш режаларини тузишди.

Қишлоқ совети раиси Мария Степановна қилинган ишлардан кўра бажариладиган вазифалар ҳақида гапиришни ёқтирадиган аёл. Ана шунинг учун ҳам у қишлоқни тинмай ободонлаштириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида ўйлайди ва ана шу йўлда меҳнат қилмоқда. Жонкуяр раисдан қаттадан-кичик ҳамманинг дили ҳушнуд.

А. ШАЙХОВ.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

Ҳалол меҳнат, хушмуомалалик билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонганга не етсин! «Чаноқ» совхозининг марказида жойлашган кутубхона мудири Р. Элибоева ана шундай меҳнатдан ҳурмат орттирганлардан.

Совхоз ишчиларидан 280 киши кутубхонага аъзо. Шу билан бирга кутубхонада китоб фонди ҳам ортиб бормоқда. Ҳозир бу ерда 4 мингга яқин турли хил адабиётлар мавжуд. «Чаноқ» қишлоқ совети кутубхона учун 30 га яқин турли адабиётларни сотиб олиб берди.

Ф. ЗИЕДОВ.

●

Марказий аптека складини саломатлик склади дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бу ерда истаган дори-дармонлар топилади. Айни бир вақтда саломатлик склади касалхоналар ва аптекаларни керакли дори-дармонлар билан таъминлаб туради.

Ҳар куни эрталаб бу даргоҳга медицина машинаси келади. Ана шу машинага ортилган турли хил дори-дармонларни шофер Ўртоқ Гуломов Тошкент аэропортидан яхши сақлаган ҳолда олиб келади.

И. СУЦКЕВЕР.

●

Чирчиқ электрохимия комбинатидаги маданият саройи бадиий ҳаваскорлик коллективларининг фаолияти жонланиб кетди. Ўтган йили бадиий ҳаваскорлик коллективлари жуда кўп концертлар қўйиб бердилар. Шу билан бирга, улар томонидан саҳналаштирилган спектакллар ҳам томошабинларга манзур бўлди.

Маданий-оқартув муассасалари бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг қатнашчиси бўлган маданият саройи ҳаваскорлари яхши натижаларга эришдилар. Мусобақада химиклар маданият саройи учинчи ўринни олди. Намунали иш олиб борганлиги учун бу маданият ўчоғига ВСЦПСнинг дипломи берилди.

И. СЕРГЕЕВ.

Н. А. Гаганова Тошкент кабель заводининг ветеран ходимларидан ҳисобланади. У прокат ўраш цехининг смена мастери, шу билан бирга халқ контроли группасининг актив назоратчиларидан. Ветеран кўп йиллик тажрибаларини ёшларга қунт билан ўргатмоқда. Халқ назоратчиси сифатида жамоат ишларида актив қатнашмоқда. Суратда: ўртоқ Н. А. Гаганова.

РЕМОНТ СУДРАЛМОҚДА

«Партия XX съезди» колхозининг қишлоқ хўжалик техникаси устахонаси. Бир неча киши тракторларни созлаш билан машғул. Устахона мудири Ҳамидулла Мирдадаев «ДТ-75» тракторини ремонт қилаётган механизаторни мақтай кетди:

— Бу йигит Тўра Файзиев бўлади. Тракторни жондан севади. Шунинг учун ҳам тракторини созлаб қўйганига бир ой бўлди.

— Шундан бери трактори атрофида гирдикапалак бўлиб юрибди, денг. Нима, ҳозир хўжаликда тракторга эҳтиёж йўқми?

— Аксинча, трактор бизга жуда зарур. Лекин юргизишнинг иложини тополмаяпмиз. Цилиндр манжети етишмай турибди. Қидирмаган жойимиз қолмади.

— «Узсельхозтехника»дан топилмасмикин?

— Ана шу идорани тилга олиб, нима қиласиз! Ёз ўтди, куз ўтди, мана қиш ҳам тугай деб қолди, — дейди ҳаратидан чанг чиқиб Ҳ. Мирдадаев. — Кўпгина қисмлар етишмаслиги туфайли тракторларимизни тўла ремонт қилолмадик. Ҳозирги кунда «ДТ-24»...

бўлимининг техника назоратчиси Абдурасул Зуфаров бу ерга бир неча марта келган. Механизаторларнинг илтимосини, буюртмаларини эшитиб ён дафтарга ёзиб олган-у, бажаришни эса ҳаёлига ҳам келтирмаган. «Москва» колхозининг гаражида бўлсангиз, ниҳоятда тартибсизликдан гаранг бўлиб қолишингиз мумкин. Дарвозадан киришингиз билан очиқ жойда сочилиб ётган иккита силос комбайни, иккита сенокосилкага кўзингиз тушади. Қоқ белидан балчиққа беланиб ётган бу қишлоқ хўжалик машиналарини бири-биридан ажратиб олиш амри-маҳол. Негаки, қиш бўйи қор, ёмғир остида қолиб, асл қиёфасини йўқотган, занглаб ишдан чиққан.

КЎКЛАМГА ШАЙМИСИЗ?

Ремонтчилар бригадасининг раҳбари Каримбек Олимбековнинг оғзи қулоғида.

— Ишимиз ғайр. Ремонт тугаёз...

Кўпгина хўжаликларда прицепларни созлаб, далага гўнг чиқаришда фойдаланилаётганини «Москва» колхози раҳбарлари билишармикан?

Ремонтчилар бригадаси бошлиғининг гапига қараганда 13 киши техникани созлашда иштирок этмоқда. Лекин устахонада ҳар куни 4—5 киши кўринади, холос. Уларнинг ҳам иш унуми паст. Эҳтиёт қисмлар етишмай ишни орқага сурмоқда.

«Узсельхозтехника» назоратчилари Абдурасул Зуфаров, Ҳалил Усмоновлар бу ерда ҳам бўлиб аҳволни кўриб кетишгану, камчиликларни бартараф этиш чораларини белгилашмаган, зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлашмаган. Шу сабабли тракторлар ва унга тиркаб ишлатиладиган воситаларни кўкламга шайлаш, ремонтдан чиккан техникадан ҳозирги кунда дала ишларида фойдаланиш имкони бўлмаяпти.

Кўклам кутиб турмайди. Уни пухта тараддуд билан кутиб олиш зарурлигини унутмаслик керак. Техника ремонтига керакли қисмларни етказиб бериш ва созланган механизация воситалари сифатини назорат қилиб туриш «Узсельхозтехника» ходимлари зиммасида бўлмоғи лозим.

Техника ремонтига жиддий эътибор бермаётган бу колхозларнинг раҳбарлари эса нарироққа борибаттанг деб қолишлари турган гап.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ КОЛЛЕКТИВ МУХБИРИ — КАЛИНИН РАЙОНИ «ЛЕНИНЧИ» ГАЗЕТАСИ.

МЕҲНАТ — ФАРОВОНЛИК

Узбек деҳқонларининг турмуши йилдан-йилга тобора яхшиланиб боряпти. Дала меҳнатчилари учун барча қулайликларга эга бўлган янги турар-жой бинолари қурилмоқда, уларга узоқ муддат билан кредитга рўзғор асбоблари берилмоқда, қурилиш материаллари ажратиляпти.

Ўрта Чирчиқ районидаги Валентина Николаева-Терешкова номли колхозда меҳнат кишилари учун жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир колхозчи бултур йиллик меҳнатларига уч минг ва ундан ошириб ҳақ олганликларининг ўзи ҳам қишлоқда маданий турмушнинг ўсиб бораётганини яққол кўрсатади. Колхозчилар меҳнат пулларига замонавий мебеллар, телевизорлар, радиоприёмниклар, гиламлар ва бошқа кўплаб рўзғор буюмлари сотиб олишяпти. Колхознинг комплекс механизациялашган звеноси бошлиғи Ҳаким Саидғозиев ўтган йили уч минг сўмдан ортиқ меҳнат ҳақи ишлади. Колхоз бу онлага янги типовой уй қуриб берди. Уй хоналарини ҳозирги вақтда замонавий уй жиҳозлари тўлдириб, безаб турибди. Звено бошлиғи ўзига «Москвич» енгил автомашинаси сотиб олди. Бу бахтиёр колхоз хонадонида водопровод мавжуд, газ плитаси ўрнатилган. Оила аъзолари газеталар, журналлар ва турли адабиётларга обуна бўлишган.

Суратда: ўртоқ Х. Саидғозиев ўғли Рашид билан.

Қ. Розиқов фотоси. ЎзТАГ фотохроникаси.

...ТЧИЛАР ...ГИДА

...қ контроли комитети ўз фаолия... ...ўрсатиш...

Ф У Т Б О Л

ОЛИМПИАДАЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Японияда меҳмон бўлиб турган СССР олимпиада терма командаси навбатдаги учрашувда ҳам ғалаба қозонди. Совет футболчилари бундан аввалги икки учрашувда ҳам голиб келган эдилар. Мамлакат чемпиони Токио университетининг «Васэда» командаси олимпиадачилар ҳужумига бардош бера олмади ва 1:7 ҳисобида енгилди.

УЧИНЧИ ТУР ОЛДИДАН

«Советский спорт» газетаси совринн учун мусобақалашаётган командалар кеча учинчи марта майдонга чиқишди. Бугун «Пахтакор» ўз майдонида Ростов армиячилари билан беллашади.

Икки турдан кейин группалардаги командаларнинг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Биринчи группа

Командалар	У.	Т.	О.
СКА О.	2	3—1	3
«Торпедо» Кт.	2	5—3	3
«Локомотив» М	2	1—0	3
«Динамо» Тб.	2	1—2	1
«Арарат»	2	2—4	1
«Локомотив» Тб.	2	1—3	1

Иккинчи группа

«Пахтакор»	2	3—1	3
«Динамо» М.	2	1—1	2
«Зенит»	2	2—2	2
СКА Р/Д	2	1—1	2
«Шахтёр» Д.	2	2—3	2
«Политотдел»	2	2—3	1

Учинчи группа

«Динамо» Мн.	2	4—2	3
«Нефтянник» Б.	2	2—1	3
«Черноморец»	2	4—3	2
«Заря»	2	1—1	2
«Торпедо» М.	2	1—1	2
«Жальгирис»	2	0—4	0

Тўртинчи группа

«Қайрат»	2	4—1	4
«Спартак» М.	2	3—0	4
«Крылья Советов»	2	2—3	2
ЦСКА	2	1—2	2
«Шахтёр» Кр.	2	1—3	0
«Энергетик»	2	1—3	0

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

28 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — Эшитиришлар программаси, 18.00 — Спорт эшиттириши ва телеянгиликлар, 19.45 — Кечирасиз, сизни ўлим кутади (кинокомедия).

Ўзбек тилида: 20.55 — Телеянгиликлар, 21.10 — Социализм ва шахс (миллионлар университети), 21.30 — Мажид Шамхолов. Қайнана (музикали комедия).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — Эшиттиришлар прграммаси, 18.00 — Китоб — бизнинг дўстимиз (болалар учун), 18.30 — Олий математика (сиртдан таълим олаётган студентлар учун рус тилида ўқув программа).

19.50 дан — Москва кўрсатади.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/II да Парвона.

КИНО

Катта Айиқ ўғиллари — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА», НАВОИ номли, «ВОСТОК», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Стратион қизи (эрталаб соат 10 да), Менинг ниятим (кундуз 12, 2, кеч 6 ва 8 да), Ҳовлимизнинг бир куни (кундуз 4 ва кеч 9-40 минутда). — «МОСКВА».

Алёшанинг ови — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11 да).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

28 февралда

«Советский спорт» газетасининг совринн учун СКА (Ростов-Дон) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Кеч соат 6 да бошланади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Гашкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 25 ўй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — В35212, Редактор ўринбосарлари — В35885, В36232, Масъул секретарь — В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — В33786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — В35811, Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — В39050, Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048, Эълонлар бўлими — В38142, Коммутатор — В30249 дан В30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р.01618. ИНДЕКС 64970. А. — 1809.